# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 9-avgust, shanba № 96 (3445)


**Жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор.**

**Ислом КАРИМОВ**

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

***Эрта тонгда туриб барқ уриб ривожланаётган пахтазорни кузатганмисиз? Бу гўзаллик замирида бобо деҳқоннинг пешона тери-ю, ринд табиати мужассам. Ёзнинг иссиқ кунларида ғўза парвариши билан машғул инсонларни далани яшнатувчи ижодкорлар десак, албатта, янглишмаган бўламиз.***

***Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида пахтачилик соҳасида улкан тажриба тўпланган. Омилкор пахтакорлар айни вақтда «Зарбдор 40 кунлик» эълон қилиб, мўл ҳосил олиш мақсадида барча имкониятларни сафарбар этишмоқда.***

## Дала ижодкорлари

— Туманимизда 5900 гектар пахтазор бўлиб, ҳозирги кунда ҳар бир ғўзада 5-6 тадан 7-8 тагача кўсак санаш мумкин, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Усмонали Эшов. — Шу кунгача барча пахта майдонлари тўлиқ озиқлантирилди. Бир кунда 316 гектар майдон суғорилмоқда.

Ғўза ҳам худди гўдак сингари парваришга муҳтож. Буни қалбдан ҳис қилган миришкорлар кунига 491 гектар майдонни культвациядан чиқаришяпти. 1157 нафар чопиқчи суткасига 139 гектар майдонга сифатли ишлов беряпти. Шунингдек, пахта далаларига 27 минг 158 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди.

Ҳосилнинг кушандаси бўлган ҳашаротлар хуружидан сақланиш бугунги кунда ҳар бир фермер хўжалиги аъзоларининг диққат марказида. Жумладан, 20 минг 753 гектар майдонда ўргимчакканага қарши ишлов берилди.

Мавсум бошидан буён ҳар бир ҳудудга бириктирилган отряд аъзолари ўз вазифаларига масъулият ва ҳамжиҳатлик билан ёндашишяпти. Айни кунларда пахта далалари шарбат сув билан қондириляпти.

Туманда ўз касбининг фидойилари бўлмиш фермер хўжаликлари раҳбарлари анчагина. Улар ҳар бир кунни ғанимат билиб, пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлида тиним билишмаяпти. Жумладан, тумандаги «Мирзаев Ислом», «Умар ота ва ўғиллари», «Раҳимжон тадбиркор», «Прогресс Агро Бизнес», «Агро Эко Про», «Гулистон Бахт Агро», «Фародис хирмони», «Мерос», «Мадинабону Иброҳим» каби фермер хўжаликларида ишлар маромида кетяпти.

— Дала шийпонлари фермер хўжалик аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун телевизор, радио ҳамда матбуот нашрлари билан тўлиқ таъминланган, — дея суҳбатни давом эттирди Усмонали ака. — Иссиқ овқат ташкил этиляпти. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси турли ҳудудлардаги фермер хўжаликлари далаларида бўлиб, қизғин меҳнат қилаётган пахтакорларни ўз вақтида ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишяпти. Куни кеча ғалла ҳосили шартномасини ортиғи билан бажарган фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда фаол ишчиларга касаба уюшмасининг совғалари тантанали равишда топширилди.

Ишонамизки, саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИДА

**Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Asl tekstil liboslari» масъулияти чекланган жамияти ҳудуд енгил саноати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган кичик бизнес субъектларидан. Бу ерда меҳнат қилаётган қирқдан зиёд ишчиларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.**

«Асакабанк»нинг Наманган вилояти бўлими ажратган имтиёзли кредит эвазига замонавий тикув ва пресслаш машиналари келтириб ўрнатилди, ишлаб чиқариш компютерлаштирилди. Натижада, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 400 миллион сўмга етди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларни экспортга чиқариш устида иш олиб борилмоқда.

***Суратда: тикувчи Соҳиба Қирғизбоева.***

**ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат**

## Тадбир

***Улуғнор туманида Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида пахта йиғим-терими мавсуми олдидан отряд тизимини янада мустаҳкамлаш, ҳашарчиларни теримга жалб этишнинг вақтинчалик тартиб-қоидаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ва туман ташкилотлари мутасаддилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, фермерлар қатнашди.***

### ТЕРИМГА ҲОЗИРЛИК

Саккиз йил илгари вилоятда теримнинг отряд усулида ташкил этилгани соҳада ўзига хос янгилик бўлган эди. Ўтган даврда мазкур тизимнинг афзалликлари тажрибада ўзини оқлади. Айтиш мумкинки, «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда бу ниҳоятда қўл келмоқда.

Қайд этилганидек, ҳудудларда отрядларни намунали шакллантириш жиддий ёндашувни талаб қилади. Отряд таркибини тузиш, унга раҳбар ва ҳашарчиларни жалб қилишнинг вақтинчалик тартиби ишлаб чиқилди. Бу эса мамлакатимиз меҳнат қонунчилиги ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талабларига ҳам тўла мос тушади.

Семинарда Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ҳанапияев сўз олиб, ҳашарчиларга зарур меҳнат шароитини яратиш, улар саломатлигига жиддий эътибор зарурлигини таъкидлади. Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинарда вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов иштирок этди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўқув-семинар

***Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишда иш берувчилар олдидаги вазифалар» мавзусидаги ўқув-семинарда долзарб саволга атрофлича жавоб берилди.***

## Меҳнат муносабатлари

### тартиб ва қоидаларга қатъий риоя қилишни тақозо этади

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ижтимоий шериклик, муносиб меҳнат шароитини яратиш каби йўналишларда самарали натижаларга эришилмоқда. Жорий йилнинг 28 май-12 июн кунлари Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Женева шаҳрида бўлиб ўтган 103-сессиясида ҳам болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон Ҳукумати томонидан олиб борилаётган ишлар муносиб баҳоланди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамкорлигидаги фаолиятнинг асосий йўналишлари, корхоналарда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни, меҳнат муносабатлари тартиби, ходимлар учун қулай ва хавфсиз иш шароитлари яратиб бериш, меҳнат муҳофазаси сингари мавзуларда фикр алмашдилар.

Семинарда ЎзКУФК юридик бўлими мудири Диёрбек Кимсанов иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**Ўз мухбиримиз**

***

***Шундай ўқув-семинар Қарши шаҳрида ҳам ташкил этилди. Уни Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов кириш сўзи билан очиб, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги корхоналарда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни ҳақида тўхталиб ўтди.***

Шундан сўнг ЎзКУФК бош мутахассиси Нодирбек Қиличев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда халқаро меҳнат ташкилотининг ҳамкорликдаги фаолияти асосий йўналишларига тўхталиб, ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларига атрофлича шарҳ бериб ўтди.

Ўқув-семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари Абдураим Тўраев, Шамсиддин Сатторов, Анвар Хўжақуловларнинг иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари олдида турган устувор вазифалар ҳақидаги маърузалари тингланди.

**Ўз мухбиримиз**

***

***Маълумки, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари ижроси, корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар муносиб меҳнат шароитини яратиш ўзига хос масъулликни талаб этади. Бу борада иш берувчилар ҳамда улар вакилларининг билим ва тажрибасини ошириш эса ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда.***

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма вакиллари, фермер хўжаликлари раислари, иш берувчилар ва нодавлат секторидаги корхона, ташкилот раҳбарлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинар айнан ана шу масалалар муҳокамасига қаратилди.

Тадбирни бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳалилов очди. Шундан кейин Федерация Кенгаши бош мутахассиси Азамат Абдуллаевнинг мавзуга доир маърузаси тингланди.

Семинарда бирлашма кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юридик, ташкилий ишлар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимларида олиб борилаётган соҳага дахлдор ишлар, муаммолар ечимига оид чора-тадбирлар хусусида ҳам жўяли фикрлар билдирилди.

Тадбир савол-жавобларга бой тарзда кечди.

**Х.ҲАЛИЛОВ,**
**Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири**

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

## Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

***Истиқлол туфайли Ўзбекистон қисқа вақт ичида демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан тобора юксалаётган кўп тармоқли иқтисодиётга эга мамлакатга айланди. Халқимиз эришаётган шундай улкан ютуқларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

***Ҳозирда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, аъзо ташкилотлар, давлат органлари ва иш берувчилар ўртасида жамоа музокаралари олиб борилиши натижасида меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш, ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олган жамоа келишуви ва шартномаларини тузиш орқали муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун ижтимоий шерикликнинг барча имкониятлари ишга солинаётир.***

## АЪЗОЛАР МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Вилоят миқёсида битта минтақавий, шаҳар, туманлар миқёсида 40 та ҳудудий тармоқ келишуви ҳамда юридик шахс мақомидаги 10140 дан ортиқ корхоналарда иш берувчилари билан касаба уюшма ташкилоти ўртасида жамоа шартномалари тузилган. Вилоят ва туманлар миқёсида қабул қилинган минтақавий ва ҳудудий тармоқ келишувлари Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувга мувофиқлаштирилди. Ҳаракатдаги жамоа шартнома ва келишувлари орқали 456,5 мингдан ортиқ ишчи-ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари қамраб олинган бўлиб, 2013 йил учун тузилган жамоа шартномалари орқали бир ходимга ўртача сарфланадиган маблағ 591 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич жорий йилда янада ортиши кутилмоқда.

Айтиш лозимки, жамоа шартнома ва келишувларини қабул қилиш, бажарилишини назоратга олиш вилоят касаба уюшмалари диққат марказида турибди. Феврал-март ойларида корхоналарда жамоа шартномаларининг муҳокамасига бағишланган йиғилишларни ўтказиш йилдан-йилга анъанага айланаётир. Кўплаб корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси муҳокамаси қизғин баҳс-мунозара ва фикр алмашувлар асосида, айниқса, оддий ходимларнинг фаол иштирокида, ишчанлик руҳида ўтаётгани кишини қувонтиради. Натижада, корхона ва хўжалик юритувчи субъектларда белгиланган режалар ошириб бажарилиб, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилмоқда. Бу эса ходимлар даромадининг ортиши ва турмуш фаровонлигининг яхшиланишига замин яратаётир.

Жорий йил биринчи ярмида жамоа шартнома ва келишувлари орқали «Соғлом бола йили» дастури тадбирларининг касаба уюшмалари томонидан ижросини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамоа шартнома ва келишувлари орқали 1478 та корхонада 4166 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 29 та корхона томонидан 34 та оилага фоизсиз ссудалар берилди. Вилоятдаги 37 та корхона томонидан олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 39 нафар талабанинг ўқув харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 169 нафар ёш болали аёлга 89 та корхона томонидан ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши билан банд бўлган 251 нафар ёш онага 107 та корхона маблағи ҳисобидан моддий кўмак кўрсатилди.

***(Давоми 2-3-саҳифаларда).***

ЎзА суратлари

## Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан

***Қорақалпоғистонда 57 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Соҳада 575 нафар олий ва ўрта махсус маълумотга эга ходим иш юритади. Марказларда ташкил этилган доимий фаолият кўрсатаётган 155 та тўгаракнинг 2104 нафар иштирокчиси бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013 – 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида республикамиздаги марказларнинг 22 тасида капитал таъмирлаш, 35 тасида реконструкция ишлари амалга оширилади.***

## Маданият юксалишда

Яқинда Кегайли тумани марказида жойлашган маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносида йирик капитал таъмирлаш ишлари якунланди. Қурилиш ишларига 571 миллион сўм сарфланган марказда 5 та тўгарак, 4 та жамоа ташкил этилган. Дуторчилар, рақс, драма, бичиш-тикиш, вокал-чолғу тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатади. «Жайҳун» вокал-чолғу, «Жилва» ашула ва рақс халқ ансамбллари, Халқ театри жамоасининг ҳар бир чиқиши аҳолига манзур бўлмоқда. Икки юз эллик томошабинга мўлжалланган марказнинг концерт зали замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, маданият ходимлари учун зарур бўлган барча миллий чолғу асбоблари харид қилинди.

Беруний тумани марказидан 14 километр олисда жойлашган Маҳтумқули маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси ҳам таъмирдан чиқарилди. Туманнинг Маҳтумқули ва «Озод» ОФЙ ҳудудларида истиқомат қилувчи 11 минг 700 нафар аҳоли ҳукуматимизнинг маданият ва аҳоли дам олиш масканларига қаратаётган эътиборидан мамнун. «Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним» шиори остида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирларда таниқли санъат усталари ва иқтидорли ижрочи ёшлар куй-қўшиқлари билан томошабинларга завқ улашди.

**Ойнура БЕКТУРГАНОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бош мутахассиси**

Касаба уюшмалари:

# ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 9-avgust № 96 (3445)

## Эътибор

***Аёлдаги табиий гўзаллик ёнига нафосату назокат, ижтимоий фаоллик, атрофдаги қайноқ ҳаётдан бохабарлик, орасталик ва оқилалик, билим ҳамда камолот қўшилса, шубҳасиз, у бутун жамиятнинг бойлигига айланади.***

# Аёл – миллатнинг кўрки

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этишда уларнинг ролини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Оилада, давлат ва жамият қурилишида, тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг фаоллигини янада кучайтириш муҳим ҳаётий заруратга айланди. Бунинг натижаси ўлароқ, Конституциямизнинг бир неча моддаларида, шунингдек, Оила, Меҳнат ва Фуқаролик кодексларида аёлларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги ҳамда турли имтиёзлар белгиланган алоҳида муҳрлаб қўйилди.

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Президентимизнинг 1993 йил март ойидаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги махсус Фармони каби муҳим ҳужжатлар ҳам эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

Кимё саноати соҳаси ходимларининг 32 фоиздан зиёдини аёллар ташкил этади. Айнан шунга кўра тизимдаги корхона ва ташкилотлар қошида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонун ҳамда давлат дастурлари асосида фаолият юритяпти.

Корхоналарда тузилган Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси иш режасида аёлларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, аёлларга яратилаётган шарт-шароитлар, спортни оммавийлаштириш, маънавий-маърифий масалалар, ёшлар муаммолари, бандлик масалалари белгиланган муддатларда ўз ечимини топиб келмоқда.

Корхоналарда «Маънавият соатлари»ни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ходимлар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида «Аммофос Максам», «Навоийазот», «Максам — Чирчиқ», «Фарғонаазот» ОАЖ ва «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» УК, «Кўнғирот кимё саноат», Ангрен кимё, Қиргули электротехника касб-ҳунар коллежларида Маънавият-тарғибот маркази вакиллари, олимлар ва маданият арбоблари билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилаётир.

«Қўқонспирт» ОАЖда хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси маънавият-маърифат бўйича доимий комиссияси ҳамкорлигида Соғлом бола йилига бағишланган «Она-бола» кўрик-танлови ўтказилиб, иштирокчилар муносиб тақдирланди.

**М.МУЗАППАРОВА,**
**Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси**

## Орамиздаги одамлар

***Жамшид Гулов Тошкентдан бир олам қувонч билан Бухорога қайтди. Ишхонасида уни ҳамкасблари эришган муваффақияти билан муборакбод этишди. Хушхабарни эшитган ота-онаси ва турмуш ўртоғининг боши осмонга етди.***

# Изланиш ва ташаббус

### энергетик Жамшид Гуловни элга танитди

Гап шундаки, «Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Қоровулбозор туман электр таъминоти корхонаси энергия сотиш муҳандиси Жамшид Гулов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш энергетик» йўналиши дастлабки босқичларида ғалаба қозонди. Ва ниҳоят, танловнинг республика босқичида ҳам билим маҳоратини намоён этиб, биринчи ўринни эгаллади.

— Ўрта мактабдаёқ физика фанига қизиқиб қолгандим, — дейди Жамшид ўқувчилик йилларини эслаб. — Фан тўгараги ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиб билимимни оширдим. Ўрта мактабни битиргач, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти (ҳозирги Бухоро муҳандислик-технология институти)га ҳужжат топширдим.

Олий ўқув юртида таҳсил олиб, касбий таълим: электроэнергетика мутахассислигига эга бўлган Жамшид меҳнат фаолиятини Қоровулбозор туман электр таъминоти корхонасида электромонтёрликдан бошлади. Чўл ҳудудидаги мазкур туманда мамлакатда кўзга кўринган корхоналар жойлашган бўлиб, бу нурчилар зиммасига оғир масъулият юклар эди, албатта. Ёш мутахассис жамоаси эришаётган муваффақиятга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. Корхонанинг тажрибали энергетиги Ихтиёр Рамазонов бу борада унга устозлик қилди, қўллаб-қувватлади.

Интилиш, изланиш ва ташаббускорлик билан фаолият бошлаган Жамшид Гуловдаги саъй-ҳаракатни кузатган корхона раҳбари кўп ўтмай уни энергия сотиш муҳандиси вазифасига тайинлади. Энди у корхона, ташкилот ва муассаса ҳамда аҳолига етказиб берилаётган электр энергияси ҳисоб-китоби билангина шуғулланиб қолмай, ушбу манбадан тежаб-тергаб фойдаланиш, истеъмолчилар ўртасида қарздорликни камайтириш, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш тўғрисида тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқда.

Дарвоқе, Жамшид кейинги йилларда соҳасига оид муҳим аҳамиятга эга бўлган иккита ихтирога қўл урди. Биринчидан, электр пайвандлаш қурилмаси учун масофадан бошқариш мосламасини яратди. Натижада, пайвандлаш жараёнида электр энергиясини 50 фоизгача тежаш имкони пайдо бўлди. Бу янгилик корхона ва ташкилотларда миллион-миллион сўм маблағнинг сақланиб қолишига олиб келяпти. Иккинчиси, электрмонтёрлар жароҳатланишининг олдини олиш учун ҳимоя каскасига огоҳлантирувчи сигнал ўрнатди. Ушбу ихтиро, айниқса, юқори кучланишли — 6-10 кв.ли линияларда ишловчи ходимларга жуда қўл келяпти.

Соҳанинг малакали мутахассислари мазкур ихтиролар аҳамиятини юқори баҳолашмоқда. Тизим ёшлари ўртасида касб маҳорати, билими, изланиши ва ташаббускорлиги билан мамлакатда ғолибликка эришган Жамшид ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган. Зеро, унинг зафарли одимлари ҳали олдинда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

## ҚАШҚАДАРЁ

# АЪЗОЛАР МАНФААТИНИ

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини барпо этишга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, касаба уюшма органлари ва фаоллари томонидан янгидан ташкил этилган иш ўринлари ҳаққонийлигини ўрганиш доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоатчилик мониторинги олиб борилмоқда. Ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда туманлар ва Қарши шаҳри миқёсида меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётир.

Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга етказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари»ни тизимли ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳар ойда 3 мингга яқин бошланғич ташкилотда «Маънавият соатлари» ўтказилаётир.

Корхона, ташкилот, ўқув юртларидаги «Маънавият ва маърифат» хоналари иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмиталари томонидан маънавият ва миллий ғоя тарғиботига оид плакатлар, фото-кўргазмалар, буклетлар билан жиҳозланди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, турли байрамлар, касб саналари муносабати билан акциялар, хайрия тадбирлари, маданий-маърифий йўналишдаги учрашувлар, спорт мусобақалари ташкил этилиб, унда фуқаролар фаол иштирок этишаётир.

Ходимларни саёҳатга олиб бориш бўйича ҳам яхши анъаналар йўлга қўйилди. Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларга жамоавий саёҳатлар уюштириляпти. Жумладан, касаба уюшмалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1597 нафар фуқаро юртимиздаги тарихий шаҳар ва қадимий зиёратгоҳларга ташриф буюрди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш диққат марказимизда турибди. Жумладан, бирлашма кенгаши томонидан жорий йилнинг март-апрел ойларида корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафони ўтказилди.

Нуронийларни эъзозлаш халқимизга хос бўлган гўзал қадриятлардан. Бу вилоят касаба уюшмалари фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланди. Чунончи, Хотира ва қадрлаш куни муносабати би-

## Ёзги соғломлаштириш

***«Барча яхши нарсалар болаларга!» Шаҳрисабз туманида жойлашган «Зиё чашмалари» оромгоҳида бўлганимизда ушбу эътироф нақадар тўғрилигига, жонажон юртимизда ёш авлод камолоти йўлида барча шароит муҳайё этилганига яна бир бор амин бўлдик.***

# ЗИЁ ЧАШМАСИГА ҚОНГИЛ, БОЛАЖОН!

Кўчада ёзнинг жазирамаси. Ҳамма соя-салқин жой қидиради. У ер-бу ерда сотилаётган салқин ичимликлардан ҳар қанча истеъмол қилсангиз-да, чанқоғингиз босилмайди. Бироқ «Зиё чашмалари» оромгоҳи ҳудудига кирар эканмиз, бу ердаги киши танига ҳузур бағишлайдиган салқинликдан баҳра олдик. Во ажаб, оромгоҳ сувлари ҳам зилол чашманики сингари оромбахш ва тотли. Тўйиб ичдик-да, болажонларнинг қувноқ қийқириқларига тўла тадбирлар майдончаси томон йўл олдик. Бу ерда Ғузор ва Миришкор туманларидан келган ўғил-қизлар «Қувноқ стартлар» мусобақасида баҳслашаётган экан. Тадбир гарчи мусобақа йўналишида давом этаётган бўлса-да, унда бошданоёқ қувноқ шартлар мужассам. Иштирокчилар эпчиллик, ўткир зеҳн ва бирдамлигини намойиш этиб, қизиқарли шартлардан завқ-шавқ олишарди.

— Кўп оромгоҳларда бўлганман. Бироқ «Зиё чашмалари»да ҳаммаси ўзгача, — деди Нишон туманидан келган дам олувчи Нигора Шомуродова. — Ҳар куни турли тадбир. Спорт мусобақалари, ҳар хил кўрик-танловлар... Ўзим рақс, шахмат ва шашка тўгаракларида қатнашаяпман. Айни пайтда «Оромгоҳ маликаси» кўрик-танловига ҳозирлик кўряпман.

— 6-синфни аъло баҳоларга тугатдим, — деди Китоб туманилик Акмал Холиқов. — Футбол, стол тенниси, сузиш спорт турларига қизиқаман. Оромгоҳнинг стадион ва спорт майдончалари ҳолати яхши. Бундан ташқари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан берилган спорт анжомлари биз учун муҳайё. Мана, бугун ҳам Шаҳрисабз болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан келган тенгқурларимиз билан ўртоқлик учрашувини ўтказдик.

— 2011 йилда оромгоҳимизда таълим, фан ва маданият ходимлари туман кенгаши томонидан давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, 1000 тупга яқин мевали ҳамда 500 тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилган ва «Касаба уюшма боғлари» ташкил қилинган эди. Ортда қолган йиллар давомида ниҳоллар улғайиб, баъзилари мевага ҳам кирди, — мамнуният билан таъкидлади оромгоҳ бошлиғи Қаҳрамон Ҳалимов. — Боғда етиштирилган меваларни ўғил-қизларга шарбат қилиб берсак, боғ оралиғига экилган бедани сотиб, таъмирлаш ишларига ишлатамиз. Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги оромгоҳимизда асосан педагогларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаради. Соғлом бола йилида тўрт навбатда 1213 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилмоқда.

Бош етакчи Алиқул Жовлиев, қўли ширин ошпазимиз Нарзулла Очилов, тажрибали шифокор Мурод Сатторов, хуллас, аҳил ва иноқ жамоамиз болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, соғлом ва бардамлиги учун сидқидилдан меҳнат қилишаётир.

**Ўз мухбиримиз**

## Эътироф

***«Қашқадарё соҳили» санаторийси масъулияти чекланган жамиятида сўнгги йилларда катта қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди ва шароитлар тубдан яхшиланди. Бу эса сиҳатгоҳга келувчилар сони янада ошишига замин яратди.***

***Биз яқинда санаторийда бўлиб, бир гуруҳ дам олувчилар билан суҳбатлашдик.***

# НАФИ ТЕГСА ЯХШИ-ДА...

**Тошпўлат Султонов, Муборак тумани:**

— Ёшим 59 да. «Қашқадарё соҳили»га биринчи келишим. Оёғим, бошим оғрирди. Текширтирсам, «хафақонлик» касаллиги ҳам бор экан. Муолажалар кор қилди. Ҳозир жуда тетикман.

Дарвоқе, сиҳатгоҳдаги тадбирлар менга жуда ёқяпти. Ҳар куни эрта тонгда бадантарбия машқларини бажарамиз. Санаторий маъмурияти дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли зиёратгоҳларга, воҳанинг тарихий шаҳарларига саёҳат ташкил этишаётир. Касбидаги «Султон Мирҳайдар ота», Қаршидаги «Абу Убайда ал-Жарроҳ», Китоб туманидаги «Ҳазрати Башир» зиёратгоҳлари шулар жумласидан.

Даволовчи шифокорим Рамеш Суюновнинг муолажалари ҳамда бизга бўлган эътибор туфайли сиҳатгоҳда ўтаётган ҳар бир дақиқадан қониқиш ҳосил қиляпман...

**Маърифат Назарова, Қарши шаҳри:**

— Ўқитувчиман. Касбим тақозосига кўра, вақти-вақти билан дам олмасам бўлмайди. Қолаверса, камқонлик ташҳисини ҳам қўйишди. Даврон ака Қулсоатов жуда жонкуяр шифокор экан. Тез кунда шифо натижалари билинди. Ҳаммасидан ҳам сиҳатгоҳдагиларнинг муомаласидан кўнгил тоғдек ўсади. Ям-яшил дарахтлар, фавворалар, алвон гуллар, хоналарнинг озода ва саристалигини айтмайсизми!

**Алимардон Жабборов, Чироқчи тумани:**

— Бу ерга учинчи марта келишим. Олдингилардан ўзгаришлар катта. Тозаликка катта эътибор берилгани таҳсинга лойиқ. Ҳар куни теварак-атрофни, Қашқадарё соҳилларини айланиб келамиз. Асаб зўриқиши ва ўтқопимда шамоллаш борлигидан нолиб келгандим. Уч кун деганда фойдаси текканини ҳис қилдим.

**Эшмурод Янгибоев, Чироқчи тумани:**

— Буйрагимда туз бор экан. Жигарни ёғ босган, простата бези шамоллаган. Бу ерга икки букилиб, инграб келгандим. Ҳозир анча бардамман. Оғриқлардан қутулиб, дунё кўзимга яна чиройли кўрина бошлади.

**Ўз мухбиримиз**

## Миннатдорлик

***Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институти Саноат технологияси факултети йўналишида таҳсил оламан. Ғузор туманиданман. Иккинчи гуруҳ ногиронман.***

# ТАЛАБАЛАРГА ҚЎШҚАНОТ



Яқинда институт ходимлари ва талабалари касаба уюшма қўмитасига моддий ёрдам сўраб ариза ёздим. Қарангки, номзодимни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг «Касаба уюшма стипендияси»га тавсия этишибди. Албатта, бу касаба уюшма қўмитаси томонидан эҳтиёжманд, ногирон ва чин етим талабаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг кичик бир кўриниши, холос.

Ҳар йили Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни арафасида анъанавий спартакиада ташкил этилиб, иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилади. Бундан ташқари, бир қанча талабаларга институт ошхонасидан бепул овқатланиши талон берилади. Яна бир гап. Ўқитувчи ва талабалар ўртасида ташкил этиладиган «Ректор кубоги» спорт мусобақалари севимли тадбирларимиз сирасига киради. Ҳар бир талаба ёки педагог учун анъанавий баҳсларда қатнашиш ва ғолиб бўлиш фахрга айланган.

Институт ходимлари ва талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Файзиддин Тиловатов муаммолардан чўчимайди. Аксинча, институт маъмурияти билан ҳамкорликда унинг ечимини топсагина кўнгли таскин топадиган куюнчак инсон.

Бу йилги касаба уюшма тадбирларидан яна бири «Йилнинг энг фаол ёш олими» танлови бўлди. Қарши давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ёш олимлари ўртасида ўтган танловда институтимиз вакили Санжарбек Тоштемировнинг ғолиб деб топилгани барчани қувонтирди. Бу ўз устимизда янада кўп ишлашга, илму фан чўққиларини забт этишда жонбозлик кўрсатишга ундади.

**Мухриддин ХОЛИҚОВ,**
**ҚМИИ 2-босқич талабаси**

## Семинар-тренинг

# МЕН ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИМНИ БИЛАМАН

**«Ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга ва давлат боланинг омон яшаши ва соғлом ривожланишини таъмин этишга мажбур».**
«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»нинг 6-моддасидан

Қарши шаҳридаги «Ёшлар маркази» ҳамда «Болалар боғи»да «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Unicef Uzbekistan, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси ҳамда «Камолот» ЁИҲ Қашқадарё вилоят бўлими биргаликда ташкил этган тадбирда 100 нафарга яқин ўқувчилар, кундузги оромгоҳларга жалб этилган ўғил-қизлар фаол қатнашди.

«Мен ўз ҳуқуқларимни биламан!» шиори остида ўтган семинарда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ва унинг моддалари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Шундан сўнг турли интерфаол ўйинлар ташкил қилинди. Зукко ўғил-қизлар ўз ҳуқуқлари ҳақидаги билим ва тасаввурларини чизган суратлари, ясаган буюмлари, тайёрлаган деворий газеталари орқали намоён этишди.

— Ўзимни эндигина ўсиб келаётган ёш бир ниҳолга ўхшатаман, — деди тадбир иштирокчиларидан бири Севара Ражабова. — Ниҳолга ёшлигидан парвариш бериб, унга меҳр билан қараб, ғамхўрлик қилинса, албатта, у кун келиб катта дарахтга айланади. Бизга ҳам давлатимиз шундай ғамхўрлик қилиб, мехрибончилик кўрсатмоқда. Орзуим — келажакда қайси касбни танлашимдан қатъи назар, Ватанимга фойдам тегиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш.

— Жуда қизиқарли тадбир бўлди, — деди навбатдаги суҳбатдошимиз, Қарши шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Зарина Хайруллаева. — Ўз ҳуқуқларимизни ўргандик ва буни саҳнавий кўринишларда, турли рангли бўёқлар ёрдамида ифода этдик. Мен келажакда ички ишлар соҳасида ишламоқчиман. Шунинг учун мактабда аъло ўқишга ҳаракат қиляпман, қўшимча тарзда «Камолот» ЁИҲнинг инглиз тили ва компютер сабоқлари тўгаракларида билимларимни оширяпман.

Семинар-тренингда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Лола Холмўминова, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими раиси Фурқат Норматов иштирок этди. Тадбир асноси ўғил-қизларга эсдалик совғалари топширилди.

**А. АКМАЛОВ**

Ishonch
2014-yil 9-avgust № 96 (3445)

Касаба уюшмалари:

# ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



# АЗИЗДИР ИНСОН!

## ВИЛОЯТИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

лан ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада ишчи-ходимлар, талаба-ёшларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди. Турли соҳаларда узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозир пенсияда бўлган фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳомийлик ёрдамлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва эсдалик совғалари топширилди. Эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатилди, республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди.

Болажонлар — келажагимиз эгалари. Шу маънода жорий йил оромгоҳларни мавсумга вақтида тайёрлаш ва мавсумни намунали ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Эътиборли томони, 3500 нафар камхарж оилалар фарзанди, 160 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси ҳамда 100 нафар иқтидорли бола бепул йўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ Оролбўйи минтақасидан 500 нафар бола «Лочин» оромгоҳида бепул дам олдирилаётир.

Таъкидлаш жоиз, вилоятдаги барча оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди. Бундан ташқари, оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича вилоятдаги «Кимёгар», Улуғбек номли, Беруний номли, «Нурафшон», «Соҳибқирон» оромгоҳларини реконструкция қилиш, шунингдек, «Алоқачи» оромгоҳини капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида кўплаб тадбирлар ва ҳомийлик ёрдамлари уюштирилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Қарши шаҳрида маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасидаги «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг республика минтақавий босқичи ўтказилди.

Вилоятда фуқароларга ҳуқуқий кўмак беришда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида бирлашмага 71 та ёзма, 80 та оғзаки, «Ишонч телефони» орқали 148 та мурожаат тушиб, мурожаатларга амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш изчил йўлга қўйилди. Ходимларнинг меҳнат қонунчилигига алоқадор бўлган қонуний ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланиб, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келинмоқда. Бундан ташқари, қатор маҳаллий газеталарда «Савол беринг, жавоб берамиз», «Ҳуқуқ ва бурч» «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Нафақа олиш ҳуқуқи сақланади» рукнлари ташкил қилиниб, ходимларга меҳнатга доир бўлган муносабатлардаги ҳақ-ҳуқуқларига оид чиқишлар уюштирилмоқда.

Барчамизга аён бир ҳақиқат шуки, аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш меҳнат аҳлини янги-янги зафарларга илҳомлантиради.

**Эсон РАЖАБОВ,**
**Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

Иш бир, мақсад бир

***Сир эмас, касаба уюшмалари фаолияти янги босқичга кўтарилди. Жойларда тармоқлар касаба уюшмаларининг масъул ташкилотчилари иш бошлаб, юқори ташкилотлар қарорлари ижроси ва ҳужжат айирбошлашда тезкор, аниқ ва ихчам иш услуби яратилди.***

## ҲАМЖИҲАТЛИК — УНУМ ГАРОВИ

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тармоқлар касаба уюшмаси масъул ташкилотчилари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпти ва бу бизга ҳам қўл келяпти. Ҳар душанба куни бирлашма кенгаши раиси ҳузуридаги аппарат йиғилишида ҳафталик режалар белгилаб олинади. Ўтган ҳафтада амалга оширилган ва бажарилмай қолган ишлар сарҳисоб қилинади.

Вилоятда ҳар битта туманга бирлашма кенгаши ходимлари бириктирилган бўлиб, улар ҳудудлар бўйича биз, масъул ташкилотчиларнинг ишига яқиндан кўмакчи. Биргаликда ташкил этилган тадбирларни санаб адоғига етиш қийин. Биргина, «Касаба-тур» веломарафонини олсак, туманларда уюштирилган спорт тадбирида барча бирдек уюшқоқлик билан ҳаракат қилди. Шунингдек, «Соғлом оила» шиори остидаги спартакиада, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги учрашувлар, эҳтиёжманд хотин-қизларга электр жиҳозлари топшириш тадбирлари, қўйингки, ҳар бир жараёнда бирлашма ходимлари ҳамкоримиз бўлишмоқда.

**Дилбар ТЎХТАЕВА,**
**Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси**

Самара

***Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари касаба уюшма фаолиятининг устувор йўналишларидан саналади. Шуни инобатга олган ҳолда, ўтган йили вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан «Nasaf kasaba sport» шўъба корхонаси ташкил этилди. Бирлашма кенгаши тасарруфида бўлган «Насаф» стадиони, стадион ҳудудидаги спорт мажмуаси ҳамда сузиш ҳавзасининг ҳолатини яхшилаш, сақлаш ва таъмирлаш, касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ходимлар ўртасида турли спорт тадбирлари ўтказишга кўмаклашиш каби қатор мақсадларни ўз олдига қўйган корхонада 9 та янги иш ўрни яратилди.***

## ЮР, «НАСАФ»ГА БОРАМИЗ

— Ўтган йили бирлашма кенгаши маблағи эвазига сузиш ҳавзаси тўлиқ таъмирланди. Шу боисдан жорий йилда бу ерга келувчилар кескин кўпайди, — деди биз билан суҳбатда шўъба корхона бошлиғи Зоир Мавлонов. — Натижада, июн ойида 20 миллион сўм тушум қилинди. 60х30 ҳажмдаги спорт залимиз бор. Уни ҳам таъмирлашни режалаштиряпмиз...

Стадион ва спорт мажмуаларини кўриб кўз қувонади. Стадион майсаси бир текис ўстириляпти. Бундан ташқари, спорт мажмуаси ёнидаги мини футбол майдони ҳам ям-яшил тусда. Бугун бу ерда болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёш чарм тўп усталари ижара асосида машғулотларини ўтказишаётир.

Зоир Мавлонов ўта талабчан мутахассис. Ишига виждонан ёндашади. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Масалан, сузиш ҳавзасининг ювиниш хоналарида сув жумраги бузиладими ёки тозаликка эътибор сусаядими, ҳеч бир жиҳатни эътиборан қочирмайди. Тартиб бўлган жойда унум бўлади, муваффақият ҳам ўзини узоқ кутдириб қўймайди.

**Ўз мухбиримиз**

ЎзА суратлари

## Замон билан ҳамнафас

***Қарши шаҳрида «Соғлом оила» шиори остидаги республика оилавий спорт мусобақаларининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

***Дастлаб корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтган мусобақанинг биринчи босқичида 1929 та меҳнат жамоасидан 8799 та оила ўзаро беллашган бўлса, шаҳар ва туманлар босқичида 151 та оила аъзолари қизғин баҳс олиб борди. Ўз навбатида, вилоят миқёсида сараланган 28 та оиланинг 84 нафар аъзоси ўртасида кечган навбатдаги босқич баҳслари ҳам қизиқарли лаҳзаларга бой бўлди.***

## МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

«Югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш», «Чаққонлик ва мерганлик», «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар» ўйини, «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз», «Эпчиллик эстафетаси», «Арқон тортиш», «Кўпкураш мусобақаси» шартлари бўйича ўғил ва қиз фарзандли оилалар алоҳида-алоҳида баҳс олиб боришди.

Мусобақа ташкилотчилари томонидан шундай шартлар ишлаб чиқилганки, бунда ота, она ва фарзанд бир-бирини тўлдирган ҳолда муваффақият сари интилар, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлардан ҳамма завқ-шавққа тўлар, ҳеч кимда мағлублик ҳисси ёки чарчоқ кайфияти кўзга ташланмасди.

Биз баъзи иштирокчиларни суҳбатга тортдик.

**Собир Аралов, Яккабоғ тумани:**

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши томонидан ўтказилган спартакиадада 28 та оила қатнашди. Унда ғолиб бўлиб, умумий туман мусобақасида иштирок этдик. Мана бугун вилоят босқичи. Бундай ҳаяжонли баҳсларда қатнашаётганимиздан жуда хурсандман. Шунингдек, туманимиздан агросаноат мажмуи тармоғидан Анвар Холиёров оиласи ҳам иштирок этяпти. Қаранг, оилавий спорт ихлосмандларини. Уларга қараб ҳавасим келади. Мен бу спортсевар ўғил-қизларнинг улғайиб, халқаро майдонларда, Осиё ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишини орзу қиламан. Зеро, бугун бунинг учун мустаҳкам пойдевор қўйиляпти.

**Отабек Поёнов, Қамаши тумани:**

— Қамаши туманида ходимлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш учун тез-тез спорт тадбирлари ўтказилади. Ота-онанинг қизиқиши фарзандни ҳам спорт зали ёки машғулотлар сари бошлайди. Масалан, икки ўғлим футболга борса, қизим енгил атлетика билан машғул.

**Худойберди Усмонов, Чироқчи тумани:**

— Оилавий баҳсларда мунтазам иштирок этамиз. Чунки рафиқам Очилой Умирова, беш нафар фарзандим спорт билан шуғулланади. Қишлоқда яшасак-да, бадантарбияни қолдирмаймиз. 2012 йилги оилавий мусобақаларда республика босқичигача чиқиб, якунда фахрли ўриндан жой олгандик. Бу йил рақобат анча кучайганини кўрдик.

Бугунги мусобақада мағлублар йўқ. Касби туманидан қатнашган жамоадошимиз Мирзоҳид Юсупов оиласи ҳам гарчи ютмаган бўлса-да, олам-олам таассурот олганини кўп бора таъкидлади.

Бевосита натижаларга тўхталсак, ғузорлик Фарҳод Ғаффоров (қиз фарзандлилар ўртасида) ҳамда Баҳодир Исматов (ўғил фарзандлилар ўртасида) оилалари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Косонлик Бозор Холиёров ва Аслиддин Чўлиев оиласига иккинчи, шаҳрисабзлик Дилмурод Нуриддинов ва Ботиржон Умаровга учинчи ўрин насиб этди. Шунингдек, «Энг чаққон оила», «Энг аҳил оила», «Энг фаол оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила» номинациялари бўйича ғолиб топилган спортсеварларга ҳам ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Нодавлат секторда

## ҲАЛОВАТ ТОПГАНЛАР

***Бухор бобо Аҳмедов 75 ёшда. Умри қурилиш ташкилотида иш бошқарувчилик билан ўтган отахон ҳали тетик. Кўз тегмасин, шу ёшгача бирор марта ҳам хастаҳоллик нима, билмади. Бунга оиласидаги ҳаловат, аҳил ва оқил фарзандлар камоли, қўли ширин рафиқаси Насиба опанинг меҳри сабаб бўлса керак. Гарчи, келинларининг ишидан кўнгли тўлсада, гоҳ-гоҳида рафиқасига: «Онаси, бугун бир ўз қўлинг билан ош дамласанг-чи», деб қолади. Ҳар қалай, Насиба опа кўп йиллар тумандаги мактабгача таълим муассасасида бош ошпаз бўлиб ишлаган-да.***

Ош баҳона ота тўнғич ўғилларини ҳам чақиради. Бутун оила тўкин дастурхон атрофида жамулжам бўлиб, меҳрга тўла дийдор онларидан баҳраманд бўлишади, ўқиш ва ишлар ҳақидаги суҳбат қизийди. Истиқболли режалар қилинади.

Бобонинг ўғилларидан бири Актамжон Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бакалавриат, магистратура ва аспирантура босқичларини муваффақиятли тамомлаб, 2009 йилда «Аҳмедов Актам Бухорович» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. «Микрокредитбанк»дан микролизинг асосида 31500 АҚШ доллари олиб, гофроқутилар ишлаб чиқарувчи ускуна харид қилди. Тўрт нафар ходим ишли бўлди. Пойтахтдан рулон-қоғоз келтириб, қути ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Қисқа вақтда ишлаб чиқарилаётган қутилар харидорини топди. Бироқ хомашё Тошкентдан келтирилгани маҳсулот таннархига таъсир кўрсатмасдан қолмасди. Изланувчан ёш иқтисодчи 2012 йилда 350 миллион сўм кредит олиб, рулон картон қоғозлари ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олди. Натижада, корхона 2013 йилда 720 миллион сўмлик ҳар хил турдаги гофроқутилар ишлаб чиқарди.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида 436 миллион сўм миқдорида маҳсулот буюртмачиларга тайёрлаб берилган бўлса, йил якунида бу кўрсаткични 1,5 миллиард сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз, — деди Актамжон режалари билан ўртоқлашар экан. — 17 нафар ходим меҳнат қиладиган жамоа манфаатини тўлақонли ифода қилиш учун касаба уюшма қўмитаси тузилди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Роҳила Эшалиева ташкилий ишларда ёрдамини аямади. Айни пайтда жамоа шартномаси тузилган. Ходимларимиз касаба уюшма тадбирларида фаол қатнашмоқда. Ойлик маош ўз вақтида бериляпти, қолаверса, ишчилар бепул тушлик билан таъминланган.

Дилфуза Жўраева, Шаҳодат Йўлдошева, Ҳабиба Мажидова, Ортиқ ва Шуҳрат Аҳмедов сингари усталаримиз ёшларга ишлаб чиқариш сирларини ўргатиб, уларнинг меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бўйича билим ва кўникмаларини бойитишмоқда.

Актам Аҳмедов режалари ҳақида ҳам тўхталди:

— Янги жойга кўчдик. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларидан сўнг бу ерни танимай қоласиз. Қолаверса, иш ўринларини ҳам кўпайтирмоқчимиз. Корхона қудрати ошиб борса, қутиларга офсет усулда безак бериш ҳам йўлга қўйилади.

А.Аҳмедов 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» танловининг Шаҳрисабз туман босқичида «Энг яхши тадбиркор» деб топилганди. Вилоят босқичида эса учинчи ўрин насиб этди. Энг муҳими, бу тадбирлар янги-янги ташаббусларга қанот бўлмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

**Қўшсаҳифа материлларини «Ishonch» мухбирлари Акмал АБДИЕВ ва Акмал ТОШЕВ тайёрлади.**

Реклама ва эълонлар

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**«UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ Андижон вилоят филиали хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси билан биргаликда бошланғич баҳосининг ошиб борилиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан қуйидаги давлат объектлари очиқ аукцион савдосига қўйилади:

1. Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, Хонобод кўчасида жойлашган собиқ «Автошоҳбекат» биноси.

**Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи:** Умумий ер майдони 1,38 га шундан бино ва иншоотлар эгаллаган майдон 3 974 кв.метр.

**Бошланғич нархи:** 78 860 006 (Етмиш саккиз миллион саккиз юз олтмиш минг олти) сўм.

**Балансда сақловчи:** Хонобод шаҳар ҳокимлиги.

**Фаолияти ихтисоси:** Маъмурий бошқарув.

2. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Туркистон кўчасида жойлашган собиқ «Ўзростподшипник» қўшма корхонаси бино ва иншоотлари мажмуаси.

**Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи:** Умумий ер майдони 4,5га, бино ва иншоотлар эгаллаган майдон 1800 кв.метр.

**Бошланғич нархи:** 3 993 948 679,87 (Уч миллиард тўққиз юз тўқсон уч миллион тўқиз юз қирқ саккиз минг олти юз етмиш тўққиз) сўм 87 тийин.

**Балансда сақловчи:** Марҳамат туман ҳокимлиги.

**Фаолияти ихтисоси**: Маъмурий бошқарув.

Аукцион савдоси 2014 йил 11 сентябр куни соат 10:00да Андижон шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда жойлашган давлат рақобат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 108-хонасида ўтказилади. Талабгорлардан буюртмалар мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилиш бошланади ва 2014 йил 10 сентябр куни соат 17:00да тўхтатилади.

2014 йил 11 сентябрдаги аукцион савдосида давлат активи сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 16, 23, 30 сентябр кунлари соат 10:00да юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоси учун талабгорлардан буюртманоларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 16 сентябрдаги савдо учун 15 сентябр куни соат 17:00, 2014 йил 23 сентябрдаги савдо учун 22 сентябр куни соат 17:00, 2014 йил 30 сентябрдаги савдо учун 29 сентябр куни соат 17:00да.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖ Андижон вилоят филиалининг ОАТБ «Асакабанк» Андижон филиалидаги МФО: 00069, СТИР 302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

**Қўшимча маълумот ва мурожаат учун манзил:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси 30-уй, 108-хона. Телефон: +99890 217-83-46, +99891 124-57-64 www.realtor.uz Email: universal.realtor@mail.ru

**Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!**

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда **Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8371) 259-21-37, ҳудудий бошқарманинг (8374) 223-57-00 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.**

**Лицензия RR № 0127**

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали «Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия» иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2014 йил 10 июн куни соат 14-00да ўтказилиши белгиланган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 5 майдаги 126/ас, 127/ас, ва 128/ас-сонли буйруқларига асосан Наманган вилояти Норин тумани ҳокимлиги балансидаги қуйидагилар қўйилмоқда:**

1. Норин тумани Учтепа ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 82,17 кв.метр, қурилиш ости майдони 82,17 кв.метр, фойдали майдони 138,6 кв.метрдан иборат, 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, асосий хоналар сони 3 тадан иборат «Чўжа» амбулаторияси бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 48 746 358 (Қирқ саккиз миллион етти юз қирқ олти минг уч юз эллик саккиз) сўм, тўланадиган заколат пули миқдори — 10 000 000 (Ўн миллион) сўм.

2. Норин тумани Пахтақишлоқ ҚФЙ «Шахидмозор» МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 279,5 кв.м, қурилиш ости майдони 85,12 кв.м, фойдали майдони 64,35 кв.м.дан иборат, 1 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, асосий хоналар сони 4 тадан иборат 1-сон «Шахидмозор» ФАП бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 29 691 746 (Йигирма тўққиз миллион олти юз тўқсон бир минг етти юз қирқ олти) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 5 000 000 (Беш миллион) сўм.

3. Норин тумани Пахтақишлоқ ҚФЙда жойлашган, умумий ер - майдони 421,87 кв. метр, қурилиш ости майдони 205,31 кв.метр, фойдали майдони 159.67кв.м.дан иборат, 1 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, асосий хоналар сони 8 тадан иборат «15-сон мактаб» филиали бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 49 522 657 (Қирқ тўққиз миллион беш юз йигирма икки минг олти юз эллик етти) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори – 10 000 000 (Ўн миллион) сўм,

Юқоридаги савдо объектлари 2014 йил 10 июн куни сотилмаган тақдирда 17, 24 июн ва 1 июл кунлари соат 14-00да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран киритилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10-00 дан 17-00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2014 йил 9 июн куни соат 14-00да, (такрорий савдолар учун мос равишда 16, 23, 30 июн кунлари соат 14-00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг закалат пулини «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302681189, 20208000800250595002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

**Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:**

Савдо ташкилотчиси: «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали.

Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси) Телефон: (8 369) 227-19-07. e-mail: info@realtors.uz, вебсайт: www.realtors.uz Лицензия: RR-0173.

**Хизматлар лицензияланган.**

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти ташкилотлари жамоаси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Рўзиевга синглиси

**Гули РЎЗИЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 9-avgust № 96 (3445)

## Назм бўстонида

# ЁЗ

*Кўнгилда куй — бир оҳанг топсам,*
*Ўз руҳимга ҳамоҳанг топсам.*

*Елсам миниб олиб бир тойга,*
*Дукур-дукур учсам ҳув Ойга.*

*Сўнг Қуёшни чилдирма қилиб,*
*Бошим узра чалсам берилиб.*

*Таёқ олиб чўпон қўлидан,*
*Чертсам қадим мақом йўлидан.*

*Ниятимни боғлаб торига,*
*Жўр айласам сарахборига.*

*Қамиш кесиб, ясаб олсам най,*
*Дил қайнаса бамисоли май.*

*Бу куй не-не кўнгил ийдирса,*
*Тинглаб, Қақнус* ўзин куйдирса!*

*Дарёларнинг шавқини қўшсам,*
*Булбулларнинг завқини қўшсам.*

*Беданалар жуфт-жуфт сайраса,*
*Туйғуларим жўшиб, яйраса.*

*Гўзаларнинг бошида салла,*
*Куйга қўшиб, айтишса ялла.*

*Маккалар ҳам осмон тиласа,*
*Сочин тараб, бошин силаса.*

*Майдон узра йирик-йириги,*
*Дилни тиғлаб айтса «Мавриги»*.*

*Пешин маҳал, куйга бўлиб хоб*,*
*Томиб турса чаккадан — зардоб.*

*Зардолулар* чалиб зангўлаб,*
*Рақс айласа тушиб бир йўла.*

*Куй номини кўп ўйлаб кўрдим,*
*Сўз тополмай, ҳотифдан* сўрдим.*

*Ўйламасдан ҳотиф деди: «Ёз!»*
*Ёздим, бўлди кўнгил жўровоз.*

*Унинг номин шу тахлит қўйдим,*
*Тинглаб ўзим, меҳридан тўйдим.*

*Чиндан, ёзнинг меҳри бўлакча,*
*Кўрки бўлак, сеҳри бўлакча.*

*Ҳотиф деди: «Кўлга олиб ҳуш,*
*Осмонлардан илҳом олиб туш.*

*Кўкни бошга ёполмагайсан,*
*Бундай ёзни тополмагайсан...»*

*Шу ёз учун дилни чоғладим,*
*Шу ёз учун бир куй боғладим.*

*Берган учун менга ғизолик**
*Айтдим дилдан рози-ризолик.*

*Шу Ватанни куйлаб ҳар куни,*
*Бошим узра кўтаргум уни.*

**Султонмурод ОЛИМ**

***Қақнус** — афсонавий қуш. Ривоятга кўра, у умр бўйи ўтин йиғиб, охири шундай бир сайрар эканки, бу куйни эшитган барча жонзотлар атрофига йиғилиб, ҳушдан кетар экан. Охири шу сайрашидан йиққан ўтинларига ўт тушиб, ўзи куйиб, кул бўлар, шу кулдан эса унинг боласи — қақнусбача чиқиб келар экан.

***Мавриги** — Бухоро мусиқа анъаналарига хос, туркум шаклида ижро этиладиган қўшиқ ва куйлардан иборат, авжи шўх рақс билан якунланадиган фолклор жанри.

***Хоб** — йўриқ, мос келиш.

***Чакка** — сузма.

***Зардолу** — ўрик.

***Зангўла** — кўнгироқ; қўл ва оёқларга кўнгироқчалар, шиқилдоқлар тақиб ўйналадиган рақс; занг ўйини.

***Ҳотиф** — ғайбдан хабар берувчи фаришта.

***Ғизолик** — ризқ-рўз.

## Кўрик-танлов

***Тошкент вилояти маънавият ва маърифат марказида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими хонандалари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.***

# Юрт тараннуми

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод эгаларини аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратган юртдошларимизни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда 10 нафардан зиёд йигит-қиз ўзининг энг сара куй-қўшиқлари билан иштирок этди.

Ватан, истиқлол, ёшлик, қадр-қиммат, севги ва муҳаббат, ғурур каби юксак фазилатлар тараннум этилган санъат асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ўртачирчиқлик Самандар Абдурозиқов биринчи, Отажон Бурҳонов иккинчи, ангренлик Зоҳиджон Абдувалиев учинчи ўринни эгаллади.

— Танловда ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичига йўлланма олганимдан жуда хурсандман, — дейди Отажон Бурҳонов. — Давлатимиз томонидан биз, ёшларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида бундан-да юксак натижаларга эришишни мақсад қилганман.

Ғолиблар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Б.ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири**

## «Соғлом оила» шиори остида

***Нукус шаҳридаги 2-Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом оила» шиори остида Қорақалпоғистон ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда 21 та оилавий жамоа қатнашди. Саккиз шарт бўйича ўтказилган беллашув ғолибларини аниқлаш ҳакамларга ҳам бироз қийинчилик туғдирди.***

# САККИЗ ШАРТ БЎЙИЧА

Мусобақа якунида «Энг чаққон оила» номинацияси Хўжайли туманидан Қ. Ембергенов ва Қўнғирот туманидан К.Маткаримов оилаларига, «Ғалабага бўлган интилиши учун» номинациясида Нукус шаҳридан Д.Раметов ва Амударё туманидан О.Юсуповлар оиласи, «Энг аҳил оила» номинациясида Нукус шаҳридан М. Мамбетризаев ва К.Утамбетовлар оиласи, «Энг фаол оила» номинациясида нукуслик Ж.Аўезмуратов ҳамда Қўнғирот туманидан З.Шариповлар оиласи ғолибликни қўлга киритди.

Хоразмда бўлиб ўтадиган якуний босқичда қатнашиш учун Байрам Генжемуратов ва Жасур Тажибаевлар оилалари муносиб топилди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совға ва дипломлари топширилди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Бухоро шаҳридаги 23-умумтаълим мактабида оилавий спорт мусобақаси иштирокчилари, ихлосмандлар ва тадбир ташкилотчилари карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Мактабнинг кенг, ёруғ ва шинам, замонавий спорт залида дастлабки икки босқич ғолиблари ўзаро беллашди.***

# ОММАВИЙЛИК САРИ

Вилоятнинг 11 тумани ва 2 шаҳридан келган барча тармоқ касаба уюшма ташкилотлари вакилларидан иборат 26 та оилавий жамоа (ота, она ва 8-12 ёшли бола ҳамда ота-она ва 8-12 ёшли қиз) ўзаро баҳсларга киришди.

Ниҳоят совриндорлар аниқланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Болта Ғаффоров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати Феруз Очилов оиласи ва Анвар Раҳимов оиласини биринчи ўринга лойиқ деб топди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Фармон Шарипов (Бухоро шаҳри), Содиқ Раҳимов (Бухоро шаҳри), Амирқул Муҳаммедов (Жондор тумани), Раҳмон Бобоев (Олот тумани) оилаларига насиб этди. Шунингдек, «Энг чаққон оила», «Ғалабага бўлган интилиши юксак оила», «Энг аҳил оила», «Энг фаол оила» номинацияси бўйича ғолиблар номма-ном санаб ўтилди.

— Мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини спортнинг оммавий турларига қизиқтириш ва шу орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш ва саломатликларини мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат, — дейди вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Розия Нусратова.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**


# Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Мамлакатимизнинг барча қурувчиларини касб байрами билан муборакбод этади.



●Айни дамда Ўзбекистон Республикасида илк бор барпо этилаётган халқаро тоифадаги 5 юлдузли «HYATT REGENCY Tashkent» меҳмонхонасининг қурилиш монтаж ишлари қизғин кетмоқда. Халқаро тоифадаги меҳмонхонани қуришда махсус талаблар қўйилган бўлиб, уларнинг бари жиддий назоратни тақозо этади. Шунинг учун ушбу иншоотнинг қурилиши давомида замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини сотиб олиш ва қўллашни тавсия қилувчи Голландиянинг «Piatek Hospitality», қурилиш жараёнидаги техник назоратни бошқарувчи Болгариянинг «BATES Engineering» компаниялари билан ҳамфикрликда самарали иш олиб борилмоқда.

●«MDIS Tashkent» олий-гоҳи биноси қурилишида илк бора структурали алюмин витраж профилларидан фойдаланилди. Бунинг афзалликлари шундаки, ташқарига ўрнатилган ойналар орасидаги алюминпрофил кўринмайди ҳамда бинога замонавий чирой бахш этади. Бундан ташқари бинонинг кўркига кўрк қўшаётган қубба шаклидаги дунё харитаси туширилган ойналарни лойиҳасини корхона конструктор-муҳандислари чизиб, Хитойнинг «Xinjiang Guding trading Co.Ltd.» корхонасига махсус буюртма асосида тайёрланган ва монтаж ишлари амалга оширилган.

**Эл-юрт равнақи, порлоқ келажагимиз йўлида жонбозлик кўрсатаётган бунёдкорларга энг эзгу ва самимий тилакларимизни билдирамиз.**

**Бахт-саодат, тинчлик, соғ-омонлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!**



Реклама ва эълонлар

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали «Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия» иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2014 йил 10 сентябр куни соат 11:00 да ўтказилиши белгиланган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 1 августдаги 230/ас-ер-сонли буйруғига асосан** Мингбулоқ тумани, Гулбоғ ҚФЙ, «Қизилқум» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича ажратилган сатҳи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-6-сонли 6 та ер майдонлари 197 680 сўмдан бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Шу куни сотилмай қолган ёки талабгорлардан аризалар тушмаган ер майдонлари 17, 24 сентябр ва 2 октябр кунлари соат 11:00да ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2014 йил 8 сентябр куни соат 18:00да, (такрорий савдолар учун мос равишда 15, 22, 29 сентябр кунлари соат 18:00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг закалат пулини «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302681189, 20208000800250595002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси; хорижий юридик шахслар – уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси; хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти; Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси; агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

**Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:**

Савдо ташкилотчиси: «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали. Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси 1-қавати, 2-хона) Телефон: (8 369) 227-19-07.

e-mail: info@realtors.uz, вебсайт: www.realtors.uz Лицензия: RR-0173.

**Хизматлар лицензияланган.**



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Muassis:** O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir o'rinbosari:** Zayniddin Rixsiyev

**Tahrir hay'ati:** Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

**Hududlardagi muxbirlar:**
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

**Nashr ko'rsatkichi:** 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.40
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 815 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 5